

Ўзбекистондаги қайси минтақавий ички йўллар таъмирланади?



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йилнинг 14 февраль куни имзоланган "2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ икки йил давомида таъмирланадиган мамлакатдаги ички йўллар ва кўчалар вилоятлар ва туманлар кесимида тасдиқланди.

Қарорга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 295 километр, Андижон вилояти бўйича – 324 километр, Бухоро вилояти бўйича – 439 километр, Жиззах вилояти бўйича – 222 километр, Қашқадарё вилояти бўйича – 679 километр, Навоий вилояти бўйича – 216 километр, Наманган вилояти бўйича – 309 километр, Самарқанд вилояти бўйича – 479 километр, Сурхондарё вилояти бўйича – 535 километр, Сирдарё вилояти бўйича – 267 километр, Тошкент вилояти бўйича – 516 километр, Фарғона вилояти бўйича – 520 километр, Хоразм вилояти бўйича – 321 километр ва Тошкент шаҳри бўйича – 332 километр йўллар ва кўчаларни таъмирлаш назарда тутилган.

Мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ 2017-2018 йиллар давомида хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини тўла ва жорий таъмирлашнинг асосий параметрлари аниқланди.

Ушбу рўйхат билан мана бу [хавола](#) орқали танишишингиз мумкин.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати

[Рўйхатни юклаб олиш \(pdf, 426 kb\)](#)